

ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА КРИМИНАЛИСТИК ТАКТИКАНИ ҚЎЛЛАШ УСУЛЛАРИ

Боходиров Сарварбек Зафаржон ўғли

Ўзбекистон Республикаси

Хуқуқни муҳофаза қилиш Академияси магистратура босқичи

“Тергов фаолияти” йўналиши тингловчиси

Тел: +998(90) 900-33-35

Аннотация: *ушбу мақолада иқтисодий жиноятларни тергов қилишининг ўзига хос хусусиятлари, мазкур турдаги жиноятларни тергов қилишда криминалистик тактика усулларини қўллаш, криминалистик тактика усулларидан фойдаланиш орқали мазкур соҳада содир этилган жиноятларни тез ва тўла очишга қаратилган тергов харакатлари амалга оширишининг процессуал тартиби ҳақидаги мулоҳазалар тўғрисида сўз юритилган.*

Калит сўзлар: *иқтисодий жиноятлар, криминалистик тактика, тафтиш, кўздан кечириш, аудит, бухгалтерия хужжатлари, инвентаризация, хуфёна иқтисодиёт.*

Аннотация: *В этой статье речь идёт и криминалистических тактиках, которые можно применять при раскрытии преступлений. Также о процессуальных порядках ведения дела, в этой сфере (т.е. экономические преступления).*

Ключевые слова: *Экономические преступления, криминалистическая тактика, ревизия, обзор, аудит, бухгалтерская проверка, инвентаризация, скрытая экономика (подпольная)*

Annotation: *This article is about the specific features of the investigation of economic crimes, the use of criminalistic tactics in the investigation of this type of crime, the procedural order for the implementation of investigative actions aimed at the quick and complete detection of crimes committed in this area by using the methods of criminalistic tactist.*

Key words: *economic crimes, criminalistic tactist, inspection, review, audit, accounting documents, inventory, shadow economy.*

Бозор иқтисодиёти шароитида назорат-тафтиш ишларининг роли сезиларли даражада ошади, чунки иқтисодий жиноятларга қарши курашиш жараёни давлат назорат-тафтиш хизматининг профессионал ва малакали тайёрланган ходимлари иштирокисиз амалга оширилмайди. Мамлакатимиз иқтисодиёти изчил ислоҳ қилинаётган бир шароитда, солиқ тизими унинг барқарорлигини таъминловчи омиллардан бири бўлгани ҳолда алоҳида ўрин тутади. Бироқ, амалдаги маълумотларга кўра, солиқдан яширилган даромадлар жуда катта миқдорни ташкил этади.

Криминалистик анализ шуни кўрсатадики, жиноятни содир этишнинг мотиви бўлиб кўпинча шахсий манфаатдорлик, қасд олиш ғаразгўйлик ва бойлик орттириш ва бошқа ҳаказолар ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда юридик ва жисмоний шахсларнинг турли йўллар билан солиқ тўлашдан бўйин товлаши ҳолатлари кўплаб учрайди. Натижада давлат бюджетига катта миқдордаги маблағ тушмайди, бу эса бутун жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатади ва мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солади. Бироқ, моддий зарарларнинг сиёсий, мафкуравий, ташкилий, руҳий, ижтимоий ва бошқа томонларини ўлчаш анча мураккабдир¹. Солиқ солиниши лозим бўлган объектлар Солиқ Кодексида белгилаб қўйилади². Амалдаги Солиқ Кодексида белгилаб қўйилган мазкур объектлар учун солинадиган солиқ суммалари эса ҳар бир солиқ тўловчи томонидан ўз вақтида қонунда белгиланган тартибда давлат бюджетига тўланиши шарт ҳисобланади.

Ҳар йили ҳам солиқ, ҳам умуман иқтисодий соҳадаги жиноятчилар, давлатни даромадларидан маҳрум қилишнинг тобора мураккаб усуллари йўлаб топмоқдалар. Ушбу тоифадаги жиноятларнинг субъектлари одатда олий, иқтисодий маълумотга эга бўлган шахслардир, шунинг учун ушбу соҳага оид маълум билимларсиз бундай жиноятларни аниқлаш деярли мумкин эмас.

Дастлабки тергов ҳаракатларидан бири тафтиш (ревизия) тайинлаш ёки бошқа текширишларни амалга ошириш, ҳужжатларни кўздан кечириш ва олиш, тайёрланган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечириш ва ҳаказолар ҳисобланади. Ҳужжат деганда кенг маънода бирор ҳодисани ўзида ёзма равишда акс эттирувчи моддий объект тушунилади³.

Ҳужжатларни кўздан кечиришда унинг тўғри тўлдирилганлигига, қалбакилаштирилганлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Қалбаки ҳужжатларни дарҳол олиб қўйиш лозим, акс ҳолларда улар йўқ қилиниши ёки йиртиб ташланиши мумкин.

Ҳуқуқшунослар ва тафтиш идоралари ходимларини бундай жиноятларни муваффақиятли аниқлашини мумкин қадар таъминлаши учун, уларнинг исботловчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган бухгалтерия ҳисоби маълумотларини аниқлаш имконини берувчи махсус усуллар мажмуасини ўрганиши ва билиши алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Аудит ва юридик амалиётда ҳужжатли маълумотларни тафтиш қилиш учун икки гуруҳ усуллардан фойдаланилади. Улар ўзларининг бирлигида ҳам тафтиш яъни аудиторлик, ҳам юридик амалиётда қўлланиладиган ўзига хос уйғунликни ташкил қилади. Ҳужжатли маълумотларни ўрганиш усуллари, бу ҳужжатлардаги номувофиқликларни ва товар-моддий бойликлар ҳаракатидаги оғишларни аниқлаш учун объект ҳақида маълумот олиш учун бухгалтерия ҳужжатлари жараёнини ўрганишнинг турли хил йўлларини ташкил этади.

Биринчи гуруҳга ҳужжатли текшириш усуллари киради, бу жараён ҳар қандай бир ёки бир нечта боғлиқ ёхуд бир хил операцияларнинг ҳужжатларини ўрганишни ўз ичига олади.

¹ Рустамбоев М.Х. Ахроров Б.Ж. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Т.: “ИЛИМ ЗИЁ”, 2011, 106-бет.

² Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Дарслик. Т.: “Ўқитувчи”, 2003, 282-бет.

³ Абдумажидов Ғ. Криминалистика. Дарслик. I - жилд. - Т.: “Адолат”, 2003, 132-бет.

Энди бир хил турда кўрсатилган, яъни акс эттирилган ҳужжатларни текшириш усулларини кўриб чиқамиз.

Алоҳида ҳужжатни текшириш усулларини расмий, меъерий ва арифметик текширувлар ташкил этади. Кўриб чиқиладиган учта усулнинг умумий хусусияти, ҳужжатли аудитни ўтказишда уларнинг юқори қидирув аҳамияти ҳисобланади. Уларнинг ёрдами билан аудиторлар шубҳали ҳужжатларни аниқлайдилар, кейинчалик улар ҳар томонлама чуқурроқ текширувдан ўтказилади.

Тегишли ҳужжатларни текшириш усулларини эса муқобил текшириш ва икки тарафлама назорат ташкил қилади. Икки тарафлама назорат усули, баъзида бир хил даражада аниқ натижаларни бермайди, уни қўллаш учун кенгроқ маълумотлар доирасига эга бўлиш талаб этилади. Мазкур усул, муқобил текшируви билан биргаликда ва одатда фақат битта нусхада тузилган бухгалтерия ҳужжатларига нисбатан мустақил равишда ишлатилиши мумкин (масалан, иш ҳақи варақаси, сотиб олиш варақаси, иш вақти жадвали ва бошқалар).

Ҳар доим ҳам фақат ҳужжатли текшириш усуллари ёрдамида керакли далилларни олишни имкони бўлмайди. Ҳужжатли текшириш усулларидан фойдаланиш ҳар доим ҳам самарали бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли, ҳужжатли текшириш усуллари билан бир қаторда, хўжалик операцияларини ҳақиқий мавжуд ҳужжатларни текшириш усуллари тўплами кенг қўлланилади. Бухгалтерия ҳужжатлари бошқа турли-туман бошқа ҳужжатлар билан солиштириб кўрилиши мумкин⁴.

Ҳақиқий мавжуд ҳужжатларни текшириш усуллари иккинчи гуруҳни ташкил қилади, яъни бунда махсус ташкил этилган назорат ҳаракатлари, уларнинг натижалари билан текшириладиган ҳужжатларнинг мазмуни солиштирилади. Иккинчи гуруҳ усулларидан фойдаланиб, тафтишчилар ҳатто тўғри расмийлаштирилган ҳужжатларни ташкилотнинг ҳақиқий иқтисодий фаолиятининг асл мазмуни билан ҳақиқий номувофиқликларини топадилар.

Ҳақиқий мавжуд ҳужжатларни текшириш усуллари ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, лекин кўпинча улар ҳужжатли текшириш усуллари билан биргаликда қўлланилади. Ҳужжатларни таҳлил қилиш, ҳақиқий мавжуд ҳужжатларни текширишдан олдин бўлиши мумкин, шунингдек, унинг давомида ёки ундан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин.

Кўпгина яширин ўғирликлар бухгалтерия маълумотларини сохталаштириш билан боғлиқ бўлади. Бундай ҳолларда, инвентаризация пайтида, камчилик ёки ортикча нарсалар одатда топилмайди. Гумонланувчи ёки жиноят ҳақида бирор маълумотга эга бўлган шахсларнинг ихтиёрида жиноятга алоқадор ашё, қурол, ҳужжат каби нарсаларнинг борлиги маълум бўлса, улар жиноят ишини ҳал қилиш учун олиб қўйиш зарур⁵.

Рўйхатга олинган қийматларнинг ҳақиқий мавжудлигини текшириш

⁴ Абдумажидов Ф. Криминалистика. Дарслик. II - жилд. - Т.: "Адолат", 2003, 71-бет.

⁵ Криминалистика тактикаси. Ўқув қўлланма. - Т.: "Янги аср авлоди", 2000, 48-бет.

кирим ва чиқим ҳужжатлари ҳамда инвентаризация материалларида, кўпинча, шубҳали инвентар объектлар қолдиқларни қайта-қайта олиб ташлаш орқали назорат қилинганда, инвентаризация материалларини текшириш учун ишлатилади. Ва бу ерда, яъни назорат инвентаризацияни ўтказишда, энди қимматбаҳо буюмларнинг мавжудлиги эмас, балки инвентаризация рўйхати ҳужжати ёки инвентаризация далолатномасининг тўғри тузилганлиги текширилади. Демак, бухгалтерия экспертизаси, бухгалтерия ҳисобидаги номувофиқликларни, уларнинг ҳажмини, шаклланиш механизмини, унинг молиявий-ҳўжалик фаолияти кўрсаткичларига таъсири, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш қоидаларидан четга чиқишларни аниқлайди⁶.

Иқтисодий жиноятларга қарши кураш тажрибаси, яширин ўғирлик, хизмат вазифаси билан боғлиқ бўлган ва иқтисодий жиноятларнинг салмоқли қисми, бухгалтерия ҳисоби ҳамда иқтисодий маълумотларда ўз аксини топувчи турли номувофиқликларни келтириб чиқаришини кўрсатади.

Ҳужжатли ва фактик усуллар биргаликда олинган текширувлар деярли барча ҳолларда, ҳужжатлар ва инвентаризация материаллари даражасида амалга оширилган қалбакилаштириш белгиларини аниқлаш имконини беради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, тактик услубларни янада самарали бўлиши учун жинойий иш юзасидан аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни гумон-тахминларни юритиш билан ҳам текшириш лозим. Бу борада тергов ҳаракатларини тезкорлик-кидирув чоралари билан ҳамкорликда ўтказиш ва қўлланадиган тактик услубларини терговнинг айнан шу босқичдаги ҳолатига мос равишда танлаш катта аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рустамбоев М.Х. Аҳроров Б.Ж. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Т.: “ИЛМ ЗИЁ” 2011 йил.
2. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм. Дарслик. Т.: “Ўқитувчи”, 2003 йил.
3. Абдумажидов Ғ. Криминалистика. Дарслик. I - жилд. - Т.: “Адолат”, 2003 йил.
4. Абдумажидов Ғ. Криминалистика. Дарслик. II - жилд. - Т.: “Адолат”, 2003 йил.
5. Криминалистика тактикаси. Ўқув қўлланма. - Т.: “Янги аср авлоди”, 2000 йил.
6. Белкин Р.С. Криминалистическая энциклопедия. - М.: “Мегатрон XXI”, 2000 йил

⁶ Белкин Р.С. Криминалистическая энциклопедия. - М.: “Мегатрон XXI”, 2000, стр. 29.